O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 21299

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 18 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 100 (7193)

Da'vat

Давлатнинг қадр-қиммати охир-оқибат уни ташкил қилган шахслар қадр-қимматига боғлиқ.

Жон Милль

Ibrat

Асака туманидаги 48-ўрта мактаб жамоаси учун барча замонавий талабларга жавоб берадиган 624 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

НАМАНГАН. Келажак асрнинг интиҳоси Ўзбекистон тарихида халқимизнинг келгуси тақдирини белгилайдиган муҳим тарихий воқеа билан боғлиқ. 2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сайлов давлатимизнинг асоси бугунги кунда шакланаётган буюк келажаги сари олға босишида катта рол ўйнайди. Унинг белгилари давлатчилигимизнинг мустаҳкамланиши, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, содир бўлаётган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мамлакат аҳлининг тинч, осойишта ҳаёти, келажакка бўлган ишончида ўз ифодасини топмоқда.

Мазкур муҳим сиёсий тадбир арафасида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. 17 декабрда Наманганда номзоди Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Наманган вилоятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-сайлов округи комиссияси раиси Ҳамид Аҳмадхўжаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон халқ шоири, «Маънавият ва маърифат» вилоят кенгашининг масъул котиби Ҳабиб Саъдулла йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил халқимизнинг мустақил суверен давлат тузиш борасидаги асрий орзуси Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этди. Қисқа тарихий давр мобайнида жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар туфайли халқимиз, давлатимиз дунёга танилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ислом Каримов Наманган вилоятининг мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятида, маданий ва маънавий тараққиётида кўп жиҳатдан етакчи ўрин эгаллашини қайд этди. Қайси соҳани олиб кўрмайлик — саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш — уларнинг ривожланишига вилоят ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Келажакка йўналтирилган устувор масалалар хусусида тўхталар экан, Ислом Каримов вилоят йўл қурувчиларининг Қамчиқ довонида ер ости йўли қурилишига катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Яқин кунларда бу ерда халқаро трасса ўз ишини бошлагач, нафақат Наманган вилоятининг, балки бутун Фарғона водийсининг қиёфаси ўзгариб кетади.

Қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар билан биргаликда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар талайгина. Бу соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш борасидаги тадбирлар қаноатланарли эмас.

Ислом Каримов қайд этдики, ҳукуматимизнинг ўтган йили қабул қилган махсус қарорига кўра, вилоятда суғориладиган майдонларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, 30 километрли «Машканал» сув иншоотини қуриш мўлжалланган. Улар янги иш ўринларини барпо этиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, ушбу канал фойдаланишга топширилгач, 24 минг гектар янги ер ўзлаштирилади, ўз инфратузилмасига эга учта янги шаҳарча қурилади, 35 мингта янги иш ўринлари барпо этилади.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватловчи самимий сўзлар айтишди. Қайд этилдики, Ислом Каримов — барқарорлигимиз, мамлакатимиз танлаган сиёсий ва иқтисодий йўлининг ўзгармаслиги, Ватанимиз эркинлиги ва равнақи, болаларимиз ва невараларимизнинг фаровонлиги ва бахтининг асосий кафилидир. Бу ҳақда Тўрақўрғон тумани, Сайрам қишлоғи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Ботиров, Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Дилдора Аҳмедова, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг Наманган вилояти бўйича вакили Абдулҳай Турсунов, «Наманганирқурилиш» трестининг бошқарувчиси Шокиржон Матмусаев, Чуст шаҳар Педагогика билим юрти ўқувчиси, ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова тўхталиб ўтишди. Улар вилоятнинг барча сайловчиларини 2000 йил 9 январда бўладиган сайловда Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақиришди.

* * *

АНДИЖОН. Шу куни Ислом Каримов Андижон шаҳрида вилоят сайловчилари билан ҳам учрашди. Уни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон сайлов округи раиси Тўхтан Мирзаев очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили, «Андижоннома» газетаси муҳаррири Назиржон Саидов учрашув қатнашчиларини Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У ўз сўзида Ислом Каримов миллий мустақиллигимиз асосчиси, истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, юртимизнинг шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг ташкилотчиси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз оғир ва машаққатли, мардона ва қаҳрамонона меҳнат туфайли андижонликлар бугунги кунда нафақат Ўзбекистонни, балки узоқ ва яқин қўшниларимизни ҳам ўз ютуқлари билан ҳайратда қолдираётганини қайд этди.

Янги ерларни ўзлаштиришнинг деярли имконияти йўқ бўлган шароитда вилоят деҳқонларининг ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, юқори ҳосил етиштираётгани таҳсинга лойиқ. Жорий йилда андижонликлар 527 минг тонна ғалла етиштириб, ҳар гектар ердан ўртача 70 центнердан ҳосил олди, республика вилоятларига 200 минг тоннага яқин сара уруғлик дон етказиб берди.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб, бугунги кунда корхонанинг вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 52,7 фоизни ташкил этмоқда. Завод ишга тушгач, унинг учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар тизимини барпо этиш мақсадида махсус маҳаллийлаштириш дастури қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кўпгина долзарб ва муҳим масалалар қаторида ортиқча ишчи кучини, айниқса қишлоқ жойларида банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш асосий вазифалардан биридир. Давлатимиз раҳбари бу борада вилоятда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлигини айтиб ўтди. Чунончи, вилоятдаги саноат корхоналари қувватларидан бугунги кунда фақат 55-60 фоиз фойдаланилмоқда.

Ислом Каримов ўз нутқида вилоятда ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларнинг ҳозирги даражасини ижобий баҳолаб, уларни янада ривожлантириш йўлларини кўрсатиб ўтди.

Халқимиз ўз тараққиёт йўлини аниқлаб, ривожланиш босқичига чиқиб олди. Ҳаммамиз учун азиз ва мўътабар Ватанда яшаётган барча миллат ва элатлар ягона мақсад — Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш йўлида астойдил хизмат қилмоқда, деди Ислом Каримов.

Учрашувда сўзга чиққан Шаҳрихон туман касалхонаси шифокори Юлдузхон Раҳматова, бокс бўйича жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, Андижон Давлат тиббиёт институти профессори Комилжон Мирзаев, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомов халқимизнинг фаровон кунларга тезроқ етиши, барча орзу-ниятлари ижобат бўлишини Ислом Каримов номи билан боғлашларини билдириб, Президент сайловида Андижон аҳлини унинг номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Шу куни Ислом Каримов Давлат шошилинч тиббий ёрдам марказининг Андижон филиали билан танишди. Йўлбошчимиз шифохонанинг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, шинам ва ёруғ хоналарини кўздан кечириб, бундай масканлар аҳолининг барча қатламларига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги Оқёр касб-ҳунар коллежини бориб кўрди. Ўқув юртининг ўқитувчи ва талабалари билан суҳбат чоғида бундай замонавий билим даргоҳлари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилиши лозимлигини қайд этди.

(ЎзА)

ВЛАДИМИР ПУТИН ВА ИСЛОМ КАРИМОВ ПАХТАДАН РОБИТА БАРПО ЭТМОҚДА

Россия Бош Вазири ва Ўзбекистон Президентининг шанба кунги учрашуви давлатларимиз ва халқларимиз яқинлашуви борасида ҳали имкониятларимиз кўплигини яққол намоён қилди.

Ўтган шанба куни Владимир Путин Тошкентда меҳмон бўлиб турди, аниқроғи, қаттиқ меҳнат қилди. Россия Бош Вазирининг ташрифи ҳар икки томон фикрига кўра, самарали бўлди: ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, Россия Президенти ҳузуридаги Ҳукумат алоқаси ва ахборот федерал агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Шунингдек, ҳар икки давлат чегараларида божхона назоратини такомиллаштиришга ва ташқи савдо статистикаси борасидаги ҳамкорликка доир иккита муҳим протокол қабул қилинди. Шунингдек, яна бир мавзу — ҳар икки халқнинг кўп йиллик қардошлик алоқаларини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш масаласи батафсил муҳокама қилинди. Кенгайтирилган таркибдаги делегациялар музокаралари давомида «Комсомольская правда» газетаси кутилмаганда диққат марказига чиқди. Аниқроғи, Ўзбекистоннинг ҳозирги кунига бағишланган мақола ҳамманинг эътиборини тортди («Портрет явления: русские бегут», «КП», 18.11.99 г.). Президент Ислом Каримов шуни афсус билан таъкидладики, газетамизда чоп этилган мақолада Ўзбекистоннинг миллий каҳрамони Амир Темур шаънига ҳақоратомуз ибора ишлатилган. «Комсомольская правда» газетасининг шарҳловчиси Ўзбекистон Президенти билан учрашиб, ундан кечирим сўради...

— Ислом Абдуғаниевич, биз бундай мақолани атайлаб чоп этганимиз йўқ. Таҳририятимиз Ўзбекистонга, унинг кўп миллатли халқига, анъаналарига нисбатан катта ҳурмат билан қарайди...

— Мана, ҳозир сиз ўша музейда турибсиз... (суҳбатимиз Амир Темур музейида бўлиб ўтмоқда эди.- А.Г.) Бу бизнинг фахримиз, бизнинг миллий ифтихоримиз. Таъбир жоиз бўлса, давлатимиз ташкил топган ва бизга мерос бўлиб қолган даврнинг тимсолидир. Шу музей тимсолида биз одамларнинг энг беғубор туйғуларини уйғотмоқчимиз, уларнинг онгини, миллий ғурурини шакллантирмоқчимиз.

Лекин бу ўринда гап бир миллатнинг иккинчисидан устунлиги ҳақида бормаяпти. Менимча, миллатчилик ва миллий ғурур ҳар хил тушунчалардир. Биз миллий ғурурни рағбатлантиришимиз керак. Бу ҳақда бунчалик эҳтиётсизлик билан гапириш ножоиз... «Комсомольская правда», менинг назаримда, халқлар ўртасида робита ясаши керак бўлган нашрдир.

— Фикрингизга қўшиламан. Биласизми, биз «СНГ»ни — «Страна нашей газеты» (газетамиз мамлакати) деб талқин қиламиз. Ҳатто шундай рукн очганмиз.

— Менимча, бунда муболаға бор...

— Умуман, танқидингиз учун раҳмат.

— Эътибор берган бўлсангиз, мен ҳали ошириб бир нарса деганимча йўқ. Фақат ҳурматсизлик қилинганлигини қайд этдим.

— Дарвоқе, робита ҳақида... «Комсомолка» ҳозирги кунда Ўзбекистонда чоп этилмаяпти. Уни етказиб бериш ҳам қийин.

— Умуман, биз бу муаммоларни ҳам кўриб чиқишга тайёрмиз. Гап бўлиши мумкин эмас. Бизни газетангизнинг Ўзбекистондаги обрўйи масаласи ташвишга солаётгани йўқ. Бу борада ишлар жойида. Фуқароларимиз Россияга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қарайди. Ўзингиз ишонч ҳосил қилганингиздек, русларга нисбатан халқимизнинг муносабати жуда яхши. Мени мамлакатимизнинг Россиядаги обрўйи масаласи ташвишлантиради. Чунки, Ўзбекистондан сизга жуда кам ахборот боряпти. Агар Ўзбекистон ҳақида газетангизда эълон қилинганидек, таажжубланарли материаллар асосида мулоҳаза юритиладиган бўлса, бизни тери ёпинган, чопон кийган, соқол қўйиб, салла ўраган-у қилич таққан ҳолда тасаввур қилишади...

— Йўқ, газета бу даражада паст кетмайди. Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб сўрашга ижозат берсангиз... Путин билан биргаликда ўтказган «шанбалигингизни» қандай баҳолайсиз?

— Менинг бу учрашувдан кўнглим тўлди.

— Умуман, ҳукуматимиз раиси Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Бу — Путиннинг юртимизга биринчи ташрифи. Аввал биз Украина Президенти Леонид Кучманинг инаугурациясида учрашган эдик. Ёширмайман: мен унинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб боряпман. Менга унинг ўз нуқтаи назарини аниқ ифодалаши ва ўз фикрини қатъият билан—мен қаттиққўллик демаяпман, чунки сиз бу сўзни хуш кўрасиз — ҳимоя қилиши ёқади. Шунингдек, Путин ўз изчиллигини ҳам кўрсатди. Бу эса нафақат Россияда, балки хорижда яшовчи сиёсатчиларда ҳам кам учрайдиган фазилат.

— Бирга ишлашингиз қийин кечмадими?

— Аксинча, осон бўлди! Биз кўп масалаларни муҳокама қилдик. Мудом хаёлимга бир фикр келиб туради: у ёки бу нуқтаи назарни Путиндан аввал ушбу лавозимда ишлаган ва мен яхши билган сиёсатчилар қандай баён этар эди? Энди шуни аниқ айтишим керакки, Владимир Владимирович улардан анча устун.

(Давоми 2-бетда)

XXI АСР ТАЪЛИМИ САРИ

Xalqaro anjuman

Аввал хабар берганимиздек, Тошкентда 15 -16 декабрь кунлари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: ислоҳотлар натижалари ва истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлигига икки йил тўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётимизга амалий татбиқ этила бошлаши ҳам айнан шу сана билан боғлиқдир.

Мана шу икки йил мобайнида мамлакатимизда таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида муайян ишлар қилинди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий қилишда аниқ натижаларга эришилди, узлуксиз таълимнинг янги мазмуни, мавжуд тизимнинг таркибий тузилиши, таълим жараёнини кадрлар ва моддий-техник база билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Ушбу йилларда жамиятимизда таълимга, унинг қадриятларига бўлган муносабат ўзгариб, янгича ёндашиш шаклланди. Бундан ташқари, жамиятимиздаги ижобий ўзгаришлар, маънавий янгиланиш ҳамда янги қадриятларнинг шаклланиши уларни таълим мазмунига киритиш масаласини кўндаланг қўйди. КТМДни жорий қилиш мониторинги доирасида катта материал йиғилди, бу эса шу кунгача амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Шундай қилиб, бугун таълимдаги янгиланишлар натижалари, таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболларини таҳлил қилиш, КТМДга мувофиқ ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жадаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларини назарий жиҳатдан англаш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Анжуманда иштирок этган мутахассис олимлар, педагоглар, давлат бошқаруви маҳаллий органлари ва таълим раҳбарлари, халқаро экспертлар, жамғармалар, ташкилотлар вакиллари, сармоядорлар ва КТМДни жорий қилишда иштирок этаётган мутасаддиларнинг барчаси икки кун давомида ана шу масалалар доирасида ўзаро мулоқотда бўлдилар.

Ушбу халқаро анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларида таълим масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси жаноб Хорхе Секвейра, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти В.Видяпин, шунингдек асосий маърузалар қилган олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг ўринбосари Х.Маъсудов ва бошқалар энг асосийси — КТМД бугун барча давлат тизими ва жамоатчилик ташкилотларининг, Ўзбекистоннинг барча фуқароларининг иши, яъни умумхалқ, умуммиллий иш бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, анжуманда КТМД ўзининг кенглиги ва теранлиги билан нафақат таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотларга йўналтирилганлиги билан чекланиши, балки у кенг ижтимоий маънога эга эканлигини ҳам қайд этдилар.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизими ва узлуксиз таълимнинг тамомила янги ҳуқуқий-норматив негизи яратилди.

Узлуксиз таълим турлари ҳақида янги қоидалар амалда жорий қилинмоқда. Булар узлуксиз таълим тизимининг таълим-тарбия, бошқарув, илмий-тадқиқот, услубий муассаса ва ташкилотларнинг фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигини юритишига шароитлар яратмоқда.

Давлат таълим стандартлари, узлуксиз таълимнинг барча турлари ва босқичлари учун янги ўқув режа ва дастурларини жорий қилишнинг тартиби ва механизми аниқланди.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим хизматлари ва маркетинг бозорини шакллантириш учун ҳуқуқий негиз яратилмоқда. Педагогик ходимларни, таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказишнинг шарт-шароитлари ва норматив асослари ишлаб чиқилиб, амалда жорий қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ДУРКУН БОЛА — ЭРКИН БОЛА

2000 yil — Sog'lom avlod yili

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йилни — "Соғлом авлод йили" деб эълон қилганлиги мени жуда қувонтирди. Бугун ўсиб келаётган авлод соғлиғига бахшида умрим бесамар ўтмаётганлигидан таскин топдим. Келаётган йил мен ёшларда соғлиққа эътиборли, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масъулиятини шакллантирувчи "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" деб номланган дастуримни якунлашим ҳамда уни кенг тарғиб этишим учун кенг имконият яратилди. Бу эса дастур орқали маҳалла ва оила билан ҳамкорлик жараёнида СИГИС дастурини, яъни гигиена ва санитария борасида биргаликдаги ўзгаришларни киритишни, мактаб ва боғчаларда турли тажриба-синов ишларини олиб боришни талаб этади.

Ҳозирги ҳикоям эса ана шундай ибратли тадбирларни бошлаган боғчалардан бири, Термиз шаҳридаги "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компаниясига қарашли "Наргиз" номли яслидир. Мудира Наргиза Шарипова боланинг соғлиги кўп қиррали, шу жумладан, физиологик, руҳий ва ижтимоий жараён эканлигини ҳамда ҳар бир қирра алоҳида эътибор талаб қилишини, уларнинг ҳар бири учун боғча ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик орқали ишлаш талаб этилишини чуқур англаб етган мутахассисдир. Боғчада ана шундай муносабатларнинг кичик бир муҳити ташкил этилган. Бу боғчанинг тарбиялануvчилари эрталабдан боғчага шошадилар. Чунки бу ерда уларни меҳрибон ва қалби дарё боғча опалари кутади.

(Давоми 2-бетда)

— «Маърифат»га обуна бўлинг! Бу бизнинг газетамиз!

"КАТАЛОГ"ДАГИ НАРХИНИ АЙТИНГ

Obuna -2000

Кунлар ўтгани сайин, ғалвир сувдан кўтариладиган, яъни газета ва журналларга қайси вилоят ва шаҳарлардан кимлар кўпроқ обуна бўлганини ҳисоб-китоб қилиш даври тобора яқинлашаётган айни дамларда редакциямизга бўлаётган қўнғироқлар, истак ва таклифлар, мулоҳазалар битилган мактублар бизни янада яхшироқ ишлашга, ижодий изланишларга руҳлантирмоқда. Ахир, яхши сўз —жон озиғи, у қалбга илиқлик бахш этиб, ҳаётга, ижодга меҳр орттиради.

Биз ўз журналимизнинг қадрдон муштарийлари — навоийлик зиёкорларнинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича жойларда олиб бораётган амалий ишлари, келгуси йилда қандай режаларни белгилаганлигини билиш истагида улар ҳузурига отландик.

"Саёҳат"имизни дастлаб Кармана туманидан бошладик. Сабаби, ўтган йили ушбу маскандаги обуна ишлари ва уни ташкиллаштириш, нашрларни муштарийларга ўз вақтида етказиб бериш билан бевосита шуғулланувчи идоралар фаолияти қаттиқ танқид остига олинган эди. Бу йил, эҳтимол зарур хулосалар чиқарилгандир?

Бизнинг бу умидимиз дастлаб қадам қўйганимиз— 5-билим масканидаёқ пучга чиқди. Мактабда жами 96 нафар устоз ёш авлодга билим берар экан. Маънавият ишлари бўйича илмий бўлим мудири Гулбаҳор Бозорова ҳамда ўқитувчи Рустамованинг сўзларига қараганда, келгуси йил учун "Маърифат" газетасига 11 нафар, "Учитель Узбекистана" газетасига 2 нафар, "Халқ таълими" журналига 10 нафар, "Бошланғич таълим" журналига 11 нафар, "Тил ва адабиёт таълими" журналига 5 нафар ўқитувчи обуна бўлибди.

(Давоми 4-бетда)

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчисининг ўринбосари ва бошқарувчи директори Йосеки Нагасенини қабул қилиб, мамлакатимиздаги муҳим лойиҳаларни бажаришдаги фаол иштироки ва қўллаб-қувватлаётганлиги учун мазкур банкка ва у орқали Япония халқига ўз эҳтиромини изҳор этди.

• Фидокорлар Миллий демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов бухоролик ва навоийлик сайловчилар билан учрашди.

• Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалоловнинг Хоразм ҳамда Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннан жорий йил якунлари бўйича журналистлар учун матбуот анжумани ўтказиб, энг нотинч ҳисобланган Косово ҳамда Шарқий Тиморда халқаро тинчлик кучларининг кўмаги натижасида барқарорлик секинлик билан бўлса-да, мустаҳкамланаётганини таъкидлади.

• Греция Бош вазири Константинос Симитис дунё мамлакатларини Югославияга нисбатан жорий қилинган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга чақирди.

• Исроил ҳукумати мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган фаластинлик маҳбусларнинг бир гуруҳини озод қилишни яна бошқа кунга қолдирди.

• АҚШ соҳил қўриқчилари мамлакатга ноқонуний равишда ўтишга уринган кубалик 24 нафар муҳожирни тутиб қолди.

• Қарийб 1 асрдан буён АҚШ ҳарбийлари назоратида бўлган Панама канали 14 декабрдан бошлаб расмий равишда Панама ихтиёрига ўтди.

ВЛАДИМИР ПУТИН ВА ИСЛОМ КАРИМОВ ПАХТАДАН РОБИТА БАРПО ЭТМОҚДА

(Боши 1-бетда)

— Сизлар қандай сирли масалаларни муҳокама қилдингиз? Ростини айтинг, журналистларга айтилмаган гаплар ҳам бўлдими?

— Умуман олганда, матбуот ходимларидан бирор нарсани яшириш қийин. Ҳа, биз хавфсизлик, таҳдидга оид масалаларни муҳокама қилдик... Нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё, шунингдек, Россиянинг баркарорлиги ҳам ана шу масалаларнинг ечимига боғлиқ. Табиий: бу борадаги нуқтаи назарларимиз мос келди.

— Қандай масалалар юзасидан келишиш қийин бўлди?

— Россияга пахта етказиб бериш борасида. Биз бу масалани бир ярим соат муҳокама қилдик.

— Тил топиша олдингизларми?

— Бўлмаса-чи! Бу борада ҳужжат ҳам имзоланди.

— Унда, шунча пайт нима ҳақида тортишдингизлар?

— Россия биздан пахтани бартер асосида беришимизни сўрайди, баъзан талаб қилади. Яъни, биз сизга пахта етказиб берамиз, сиз бизга — қишлоқ хўжалиги машиналарини. Бизга эса қишлоқ хўжалиги машиналари эмас, валюта керак. Ўз миллий валютамизни мустаҳкамлаш учун.

— Шундай қилиб, қандай келишдингизлар?

— Бир-биримизни тушунишга ҳаракат қилдик ва умумий йўл топдик.

— Қандай йўл?

— Ҳар икки томон учун мақбул йўл.

— Аниқроғи ?

— Россияга етказиб бериш учун ҳар йили 200-250 минг тонна пахтани заҳиралаш ҳақида келишиб олдик ва буни ҳужжатда қайд этдик. Ҳисоб-китоб масалалари эса алоҳида ҳал этилади. Маъқулми?

— Бу Бош вазиримизга маъқул келган бўлса, биз ҳам розимиз. Бизга Ўзбекистон пахтаси жуда керак. Ислом Абдуғаниевич, берган баёнотларингизга қараганда, Россиянинг Чеченистонда тартиб ўрнатиш ниятини қўллаб-қувватлайсиз. Ғарбда эса, бунга муносабат бошқача... Сиз эски дўстлигимиз хурмати, бизнинг ёнимизни оласизми?

— «Ённи олиш» деганда, нимани назарда тутаяпсиз? Агар Россияни тўлиқ қўллабқувватлайман, десам, мени сафсатабозликда айблашингиз мумкин. Яқинда Истанбулда мени ҳамкасбларим — айрим йирик давлатлар, шу жумладан, Европа мамлакатлари раҳбарлари ўртага олиб, сўрашди: ўзаро гапда Чеченистон ҳақидаги фикрингни айт, деб. Қандай жавоб берганимни биласизми? Дедимки, Клинтоннинг нутқига эътибор беринг. У бу масалани икки қисмга ажратди. Биринчиси, биз Россия ҳудудининг дахлсизлиги тарафдоримиз, ҳар қандай кўринишдаги, ҳар қандай шаклдаги террорчиликка қаршимиз. Лекин қўйилган масалани ҳал қилиш усуллари... бизни қаноатлантирмаяпти.

Мен ҳамкасбларимнинг эътиборини айнан шу жиҳатга қаратдим. Айтдимки: ҳатто АҚШ Президенти бу масалани аниқ ажратиб қўйди. Сизлар эса уни аралаштириб юбораяпсиз. Натижада шундай хулоса чиқадики, у ерда тинч аҳоли ҳалок бўлаётган экан, демак операцияни ўтказиш мақсади ҳам шубҳа туғдириши керак. Мақсадни усуллардан аниқ ажратиб олиш лозим.

— Сиз Владимир Владимирович билан бу ҳақда гаплашдингизми?

— Йўқ, биз бу мавзуга тўхталмадик. Лекин сизга айтишим мумкин: ҳа, мен Чеченистонда одамлар ҳалок бўлишига, юз минглаб бегуноҳ кишилар аянчли аҳволга тушиб қолишига қаршиман. Лекин мен танқид қилар эканман, қўйидаги саволга ҳам жавоб беришим керак: бу йўлнинг муқобили борми? Россиянинг ўрнида бўлганингизда ўзингиз нима қилардингиз? Нима демоқчи эканлигимни тушундингизми?

— Йўқ.

— Яъни, Россияни Чеченистондаги операцияси учун танқид қилар эканман, айтишим керак: бу операциянинг ўрнига мана бу усулни қўллаш керак, деб. Аммо мен Чеченистондаги террорчилик ва айирмачилик билан курашда барчамиз бир овоздан танқид қилаётган усуллардан бошқасини таклиф эта олмайман. Энди тушундингизми?

— Ҳа, энди тушундим. Мана, Россия билан Беларус иттифоқ давлати тузмоқда. Бу йўналишда охирги пайтда қилинаётган ишларни қандай баҳолайсиз? Ўзбекистоннинг ҳам бизнинг Иттифоқимизга қўшилиш нияти борми?

— Йўқ.

— Нега?

— Менимча, ҳар қандай иттифоқ ёки давлатлараро тузилмаларни тузиш — бу ўша давлатларнинг ва уларда яшовчи халқларнинг ҳақ-ҳуқуқи. Лекин, Россия билан Беларус имзолаган ҳужжат шунчаки намойишкорлигу баландпарвоз гаплардан бошқа нарса эмас. Назаримда, интеграция масалаларини бирма-бир, дейлик, иқтисодий, балки бошқа муайян соҳалар бўйича ечиш керак. Масалан, молиявий гуруҳлар ташкил этиш, ҳамкорликни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилувчи божхона солиғи ва бошқа тўсиқларни олиб ташлаш каби. Бу ишлар билан шуғулланиш керак. Беларус каби мен Россияга бошқалардан кўра яқинроқман, деб кўкракка уришнинг ҳожати йўқ.

Сиз эса масалани бошқа тарзда қўйяпсиз: қолган давлатлар ҳам уларга эргашадими? Мен аниқ айтишим мумкин: Ўзбекистон бу йўлдан бормайди. Россия билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш учун бизнинг бошқа имкониятларимиз кўп.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат сизга, Ислом Абдуғаниевич. Яна бир бор «Комсомолка»дан хафа бўлмаслигингизни сўрайман.

— Яхши. Назаримда, сизга мулоҳаза учун озиқ бердим.

— Ҳа, «Тошкент — нон шаҳри», деб бежиз айтишмаган...

Александр ГАМОВ,
(Махсус муҳбиримиз).
Тошкент.
(«Комсомольская правда», 1999 йил 14 декабр).

XXI АСР ТАЪЛИМИ САРИ

(Боши 1-бетда)

Анжуманда қилинган асосий маърузаларда аниқ рақамлар ҳам келтирилди. Хусусан, 1998/99 ўқув йилида республикамизнинг 24 та мактабида 9 йиллик умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти тажриба-синовдан ўтказилди. 1998 йилда янги ўқув режалари бўйича умумий ўрта таълимнинг 5—6-синфлари учун 7 та номдаги дарсликлар, 1999-2000 ўқув йилида эса 23 та номдаги дарсликлар тайёрланган. Ўқувчилар билими сифатини баҳолашнинг рейтинг тизими ҳам синовдан ўтиб, мактабларда кенг қўлланилмоқда.

Таълим тизимининг ўрта бўғинида ҳам 1998-99 ўқув йилида ташкил этилган 32 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида эксперименталўқув режа ва дастурлари, ўқув-норматив ҳужжатлар синовдан ўтди. Таркибида 250 та ўқув дастури бор касб-ҳунар коллежларида ўрта бўғин мутахассисларини тайёрловчи йўналишлардаги 50 та давлат таълим стандартлари амалда жорий қилинди. Шу ўқув йилида янгидан ташкил этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун 95 та давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, 1000 тага яқин ўқув дастурлари тайёрланди.

Бакалавриат йўналишида ҳам 251 та давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилмоқда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, бакалавр ва магистрларга малакалари бўйича талаблар, бакалавриат йўналишларида янги ўқув режа ва дастурлари каби ўқув-норматив ҳужжатлар тайёрланиб, улар амалий экспертизадан ўтказилмоқда.

Узлуксиз таълимни кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинган. Ўқитувчи-профессор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун базавий олий таълим муассасалари ҳамда "Устоз" жамғармаси имкониятларидан фойдаланилмоқда. 1998 йилда жамғарма орқали 71 нафар ўқитувчи, улардан 37 нафари ўрта махсус касб-ҳунар таълими бўйича хорижда малака оширган бўлса, 980 нафари чет эллик мутахассислар иштирокида малакаларини оширишди. 1999 йилнинг I ярим йиллигида жамғарманинг Тошкент ахборот-ресурс марказида 200 дан зиёд ўқитувчи қайта тайёргарликдан ўтказилди, улардан 100 нафардан кўпроғи академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларидир.

Сўнгги йилларда узлуксиз таълим тизими таркибий тузилишини қайта қуриш, таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бунга Тошкент Ислом Университетининг ташкил этилиши, тиббиёт олийгоҳларида олий тоифали ҳамширалар тайёрлайдиган бўлимларнинг, ЎзДЖТУ да халқаро журналистика, Тошкент иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультетларининг очилиши яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистонда 1998 йилда таълим харажатлари ички ялпи маҳсулотнинг 7,6 фоизини ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 8,1 фоиздан юқорилигини кўрсатмоқда. Тамоман янги, ноёб ҳисобланаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантириш борасида хорижий сармоялар тўғрисидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Масалан, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар учун кичик мутахассислар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежларининг жиҳозланишига кутилаётган хорижий сармоялар миқдори Осиё Ривожланиш банки томонидан 150 миллион, OESF (Япония) — 200 миллион, EDCF (Корея) — 35 миллион АҚШ долларини ташкил этяапти.

Шундай қилиб, Тошкент архитектура қурилиш институтида икки кун давом этган анжуман иштирокчилари ҳамда халқаро экспертлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, унинг ўзаги ҳисобланган Миллий моделни жорий қилиш давлатимиз ва жамиятимиз салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилишини эътироф этишди ҳамда анжуман ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Мурожаатнома қабул қилишди. Унда, жумладан шундай дейилади: *«Биз, халқаро экспертлар анжумани қатнашчилари, шуни ишонч билан айтамиз: мазкур даражадаги ҳужжатларнинг бевосита ташаббускори ва яратувчиси сифатида давлат бошлиғи таълимдаги ислоҳотларга ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга шу қадар куч ва ғайрат сарфлаши жаҳон амалиётида беқиёсдир. Бунга Сизнинг 1998 йил ЮНЕСКОнинг Олтин медали билан мукофотланганлигингиз ҳамда ушбу халқаро ташкилотнинг анжуман номига йўллаган расмий қутлови гувоҳдир».*

ЭЪТИРОФ

Хорхе СЕКВЕЙРА, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларида таълим масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси:

— Мен ЮНЕСКО маслаҳатчиси сифатида кўплаб мамлакатлар анжуманларида иштирок этганман. Лекин бугун Тошкентда ўтказилаётган Миллий дастурга бағишланган илмий-амалий анжуман ўзига хос хусусиятга эга бўлди, деб айта оламан. Чунки жаҳон амалиётида сизлардаги каби таълим тизимига бу қадар катта эътибор қаратилаётгани йўқ.

Яна шуни айтишим мумкинки, ҳеч бир давлатда кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакат Президенти шахсан иштирок этган эмас. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг беқиёс хизматига ЮНЕСКОнинг "Ибн Сино" мукофоти топширилишининг ўзиёқ дастурга берилган баҳодир. Албатта Миллий дастурнинг ҳаётта татбиқ этилишида кадрлар муҳим ўрин тутади. Бугунги илмий-амалий анжуман айрим муаммоларни ечиш, асосий вазифаларни рўёбга чиқариш йўллари белгилаб олингани ва қатор тадқиқотларга йўналиш берилгани билан аҳамиятлидир.

Виталий ВИДЯПИН, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти, академик:

— Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига камдан-кам учрайдиган тажриба, модел сифатида баҳо берилаётгани бежиз эмас. Дастурнинг бошқа дастурларга ўхшамайдиган хусусияти таълимнинг узлуксизлигидир.

Яна бир афзал жиҳати, дастурда турли йўналишларнинг ўзаро боғланган, яхлит ҳолга келтирилган ривожлантириш усули шакллантирилгани ва унинг синов ва муҳокамалардан сўнг маъқулланаётганлигидир. Бугунги анжуманда ким ва қандай қилиб ўқитиш муаммоси, жараённинг илмий педагогик таъминоти масалаларининг ўртага ташланиши илмий ва ижодий изланишлар давом этаётганидан дарак беради. Буни фақат қўллаб-қувватламоқ керак.

Сеппо РЕМЕС, Россия Иқтисодиёт академияси фахрий докторларининг халқаро клуби президенти (Финляндия):

— Халқаро экспертлар Ўзбекистон Миллий дастури ҳақидаги ўз хулосаларини беришяпти. Ҳатто бу анжуманда шу тажриба бошқа мамлакатлар таълими учун намуна, ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган фикр айтилди. Бу—ҳақ гап.

Бугун эса айрим муаммолар устида мулоҳаза юритиш, фикр айтиш ва дастурнинг методик хизмати масаласида кўпроқ баҳсмунозара юритишимиз лозим. Шу билан бирга ҳар бир муаммо ҳамкорликда ривожланишнинг эришилган даражаси билан муқояса қилиб таҳлил этилса, яхши натижалар беради. Хуллас, анжуман ҳаммамиз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Паном ПОНГПАЙБУЛ, Таиланд таълим вазирлигининг доимий котиби:

— Бизнинг мамлакатимизда ҳам таълим тизимини янгилаш муаммоси мавжуд. Шу сабабдан мен Ўзбекистонга таълим тизимини амалий ўрганиш учун келдим. Анжуманда кўп саволларга жавоблар топдим, деб ўйлайман.

Тошихару КИТАМУРА, Японияннинг Васада Университети профессори:

— Гарчи ўзбек тилини тушунмасам ҳам юртингизда таълим тизимини янгилашга бўлган интилишни сездим. Одамларингиздаги Миллий дастур ютуқларидан қувонч, ғурур туйғулари, мақсадларга эришиш йўлидаги кучли кўтаринки руҳ мени ҳаяжонлантирди. Бугун анжуман иштирокчиларининг айримлари мавжуд таълим тизимига мунтазам ривожланувчи жараён сифатида қараш зарур деди. Мен ҳам келажак авлод равнақи йўлида бугун таълимга ижодий ёндашиб, ҳар бир масалага бепарво бўлмаслик кераклигини айтмоқчиман.

Нурлан УСМОНОВ, Курбонбой МАТКУРБОНОВ, "Маърифат"нинг махсус муҳбирлари

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Dolzarb mavzu

ҚЎШМА ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИДА ДАРСЛИКЛАР МАСАЛАСИ

Ислоҳотларни ўтказишда изчиллик, мавжуд муаммоларни муҳимлиги даражасига қараб бирма-бир ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиликлар ҳам айнан шу тамойиллар асосида олиб борилмоқда. Давлат таълим стандартлари ҳамда барча ўқув фанлари бўйича яратилган ўқув дастурлари таълим-тарбиядан кўзланган мақсадларни бир қадар аниқлаштирди. Галдаги вазифа эса ушбу мақсадларга эришишда зарур бўладиган воситаларни вужудга келтириш. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Давлат Матбуот Қўмитаси биргаликда ўтказган қўшма ҳайъат мажлиси кун тартибига айнан шу воситалардан бири — дарсликлар бугунги кунининг долзарб масаласи сифатида қўйилди.

—"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалга оширилишида умумий ўрта таълим туб илдиз каби белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади,—деди мажлисда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев. — **Негаки, ундан кейинги таълим турлари мазмунини белгилашда, улар ўртасидаги узлуксизликни таъминлашда бу босқич муҳим ҳисобланади. Шу боис айнан ушбу таълим тури учун зарурий- меъёрий давлат ҳужжатлари биринчи галда ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу ўринда бир савол туғилади, яъни мавжуд ва янгидан яратилаётган дарсликлар ушбу талаб ва мезонларга тўлиқ жавоб бера оладими, йўқми? Аввало дарсликни буюртма бераётганлар шу каби саволларга аниқ жавоб топиб, муаллифлар олдига ўз талабларини қўйишлари керак. Акс ҳолда барча қилаётган хатти-ҳаракатларимиз якуний натижаси кўнглимиздагидек бўлмайди.**

Шунингдек, Т.Рисқиев таълим мазмунини ўзида акс эттириши лозим бўлган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг яратилишида муаллифлар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг давлат таълим стандартлари талабига жавоб бера олишини таъминлаш мақсадида ички ва ташқи тақризчилар гуруҳлари ишини қайта кўриб чиқиш зарурлиги хусусида тўхталди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълим марказида ҳам қуйида бўлаётган ўзгаришларга мос ҳамда аниқ режалар асосида дарсликларни яратиш ва чоп этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида қайд этилди.

Қўшма ҳайъат мажлисида нафақат дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари мазмуни, балки уларни нашр этиш, жойларга ўз вақтида етказиш ҳамда бу борадаги гигиеник меъёр ва талаблар билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди. Жумладан, ҳозирда мавжуд ва мазкур ўқув йилида фойдаланиш учун тавсия этилган дарсликлар таъминотининг яхши эмаслиги айтиб ўтилди. Қўшма ҳайъат мажлисида Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б.Ниёзметов томонидан сўнгги йилларда чоп этилган баъзи дарсликлар қоғоз сифати, расмлар билан безалиши ва шакли жиҳатидан санитария-гигиеник талабларга жавоб бермаслиги айтилди. Мазкур ўқув йилида 6-синф ўқувчиларининг янги ўзбек алифбосидаги дарсликлар билан етарли таъминланмагани таъкидланди. Чунки қуйи синфларда шу алифбода таълим олган ўқувчи эҳтиёжини бошқа алифбодаги ҳар қандайин дарслик қондира олмайди. Бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда кейинги ўқув йилида 7-синф ўқувчилари учун дарсликларни янги алифбомизга ўгириш ва уни ўз вақтида, яъни сотиб олиш учун қулай бўлган бир даврда чоп этиш, етказишга бугундан киришиш лозим. Бу борада мутасадди вазирликлар, ташкилотлар ўз зиммасидаги вазифаларни адо этиш баробарида бир-бири билан баҳамжиҳат ишни ташкил этишга даъват этилди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқилган ҳолда қўшма ҳайъат йиғилишида ҳар бир вазирлик зиммасига аниқ амалий тадбирлардан иборат, бажарилиш муддати қатъий белгиланган вазифалар юкланди.

Халқ таълими вазирлигига 2000-2001 ўқув йили учун яратилажак ўқув адабиётларининг мазмунан пишиқ-пухта бўлишини таъминлаш, амалдаги ўқув йилида дарсликлар таъминоти тўғрисида ҳаққоний маълумотга эга бўлиш ҳамда бу борадаги етишмовчиликларни имкон қадар бартараф этишнинг йўлларини топиш каби ишлар топширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълим марказиқа ҳадемай таълимнинг бу турига лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси орқали таълим олган ёшлар кириб кела бошлашини ҳисобга олиб, ҳозирдан барча зарурий ўқув адабиётларини, кўргазмали воситаларни янги ўзбек алифбосида тайёрлаш ва бу ишни махсус жадвал асосида ташкил этиш вазифаси юкланди.

Ўқувчиларнинг руҳий-жисмоний ўзига хосликларини назарда тутган ҳолда, улар саломатлигига салбий таъсир қилмайдиган, аксинча ақлий-эстетик ривожланишига хизмат қиладиган бежирим ва юқори сифатли дарсликларни мунтазам, етарли миқдорда чоп этишни таъминлаш тавсия этилди. Шунингдек, улар таъминотини самарали ташкил этиш мақсадида, республикада китоб савдоси тизимига тегишли вазифаларни амалга ошириш таклиф этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига нашр этилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг гигиеник меъёр ва қоидаларга мослигини мунтазам назоратга олиш иши юклатилди.

А.РАҲИМОВ

КАМОЛОТГА БОШЛАЙДИ ИЛМ

"Устоз" республика жамғармасининг Сирдарё ва Наманган вилояти маҳаллий ҳокимиятлари қумагида, жойлардаги ижтимоий таълим марказларида утказаётган ўқув курси машғулотлари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда тузилган дастур доирасида ташкил этилди. Ушбу дастурга кўра, замонавий компьютер воситаларини ишлатиш, компьютер тармоғи ва ИНТЕРНЕТ, умумтаълим тизимидаги педагогик технологиялар, масофали таълим усуллари ва "Жамиятда маънавий қадриятлар" каби мавзулар машғулотлар давомида чуқур урганилади.

- Ўқув курсларида жамғарманинг грантлари бўйича чет мамлакатларнинг илғор таълим марказларида малака ошириб келган ўқитувчиларимизнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимлар борасидаги маърузалари ҳам тингланмоқда, - деди "Устоз" республика жамғармасининг ижрочи директори Абдужаббор Абдувоҳидов. - Хорижий мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва тажрибалари билан яқиндан танишиш, замонавий талаблар даражасидаги мутахассислар тайёрлаш ишида катта натижалар бериши, шубҳасиз.

Машғулотлар 2000 йилнинг 13 январигача давом этади.

"Туркистон-пресс"

ДУРКУН БОЛА — ЭРКИН БОЛА

(Боши 1-бетда)

Боғчада энг катта эътибор болаларнинг маънавий тарбиясига қаратилади. Яқинда очилган "Маънавият ва маданият" маркази эса фикримиз далилидир. Бу ерда тарбияланувчилар давлатимиз тимсоллари, китобчалар, шунингдек Юртбошимизнинг келгуси XXI асрдаги Ўзбекистонимиз ҳақидаги фикрлари битилган китоблари билан танишишлари мумкин. Тарбияланувчиларни бундан ташқари, шарқнинг буюк мутафаккирлари, олимлари билан, ўзбек халқининг миллий қадриятлари, оилалари, урф-одатлари билан боғча опалари таништиришади.

Боғчада болаларнинг жисмоний етуклигига ҳам катта эътибор қаратилади. Бу ердаги оддий иш фаолиятининг ўзигина тарбиячилар болаларнинг соғломликлари ва унинг учун қилинадиган ишлар нима эканлигини ва келгуси авлод соғлиги бизнинг республикамизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳақида тасаввурга эга. Қайси бир боғча ҳозир ўзида кичик майдонча, яхши жиҳозланган спорт ўйинлари заллари, фитобарлари, алоҳида шаклдаги мусиқий ва спорт заллари билан мақтана олади? Бу ерда эса булардан ташқари, турли касалликлар, шамоллашларга қарши имунитетни шакллантирувчи терморегулиятор мосламалари, ҳаво ҳарорати ўзгаришига осон мослашишни шакллантирувчи мосламалар ўрнатилган.

Республика миқёсида "Соғлом авлод учун" дастури қабул қилингандан буён бу ерда соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилган. Ҳар куни соғломлаштириш соати, жисмоний тарбия бўйича ноанъанавий машғулотлар, ўзига хос тонгги жисмоний машқлар, яхши тайёрланган спорт залларида югуриш машғулотлари, эстафеталар, спорт ўйинлари — волейбол, баскетбол, футбол каби машғулотлар ўтказилади.

Мана шундай тадбирларни тарбияланувчи гуруҳлар орасида яхши амалга ошириш учун, ҳар бир гуруҳда кичиккичик спорт анжомлари "Соғлиқ", "Юнга", "Ботир" номли турли мажмуалар мавжуд.

Фитобарда эса шифокорлар кўрсатмаларига кўра, куз ва баҳор ойларида, турли доривор гиёҳлардан тайёрланган денлонарор, кренаротлар ёрдамида профилактик даво -муолажалари ўтказилади.

Боғчада болаларнинг жисмоний ўсиши ва соғлиги мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Йилда икки бор: сентябрь ва апрель ойларида ҳар бир тарбияланувчини алоҳида жисмоний қобилиятларини ҳисобга олувчи машғулотлар ўтказилади.

Ота-оналар боғчадаги ҳар бир соғломлаштириш тадбирининг дастурлари билан аввалдан таништирилади. Боғчадаги спорт асбоб-анжомлари мажмуаларини тўплашда, ўрнатишда ота-оналар, мутасадди рахбарлар, маҳалла раисларининг яқиндан ёрдам беришлари таҳсинга лойиқдир. Фақат мана шундай яқин ва ўзаро мустаҳкам муносабатлар эвазига "Наргиз" боғчаси мана шу ютуқларга эришмоқда.

Ясли-боғчанинг вестибюлидаги кўргазма тахтасида эса "Наргиз" боғчасининг фаолиятини ёритиб берувчи суратлар, матнлар берилган. Энди эса 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" дея белгиланиши бу боғчада янада, йирик ва ажойиб тадбирлар амалга оширилиши мумкинлигидан далолат. "Соғлом авлод йили"да ўтказиладиган тадбирлар эса бугунги кунлардан бошлаб ҳар бир боғча, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида олиб борилиши керак.

Дилором ШАРИПОВА, педагогика фанлари номзоди, профессор, "Оила соғлигининг тиббий-биологик асослари" илмий-амалий маркази мудири

Respublika ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasining II qurultoyi

АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИНСОНГА

Фаровонлик - яшаш мезонига айланиши лозим. Янги давр остонасида Ўзбекистон халқи шундай эзгу мақсад йўлида яшамоқда. Жумладан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади.

Ўз сафида 1220951 аъзони бирлаштирган Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси 16 декабрь куни Темурийлар тарихи музейида ўзининг II қурултойини ўтказди. Бугун уюшма Марказий қўмитаси ва унинг тасарруфидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 вилоят, 213 туман, шаҳар, 40 та олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа касаба уюшма қўмиталари таълим ва фан ходимларини, талабаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш борасида фаол ҳаракат қилмоқда. Уларни ижтимоий ҳимоялаш билан бирга соғломлаштириш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш масалаларида яхши натижаларга эришмоқда. Касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг давлат идоралари, "Умид", "Устоз" жамғармалари, республика хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий фикрни ўрганиш маркази, Конрад Аденауэр, ТАСИС фондлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда талаба, ўқитувчи ва профессорларни хорижий давлатларга ўқишга, малака оширишга юбориш ишларида фаоллиги ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, фармонлари, Олий Мажлисда қабул қилинган янги қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмуни ва моҳиятини талаба ва ўқувчилар, таълим ва фан ходимларига етказиш борасида маҳаллий ҳокимиятлар, суд, прокуратура органлари "Маҳалла" жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда жойларда илмий-амалий конференциялар, семинарлар уюштирилди.

Умуман олганда, республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бугун ҳаётнинг барча жабҳаларида иштирок этиб, ўз аъзолари манфаатлари, халқимиз равнақи, фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатмоқда.

Қурултойда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Иброҳим Абдуғаниев 1995-1999 йилларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг фаолияти юзасидан маъруза қилди. И.Абдуғаниев касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон тараққиёти йўлида, ҳуқуқий демократик жамият қуришда ҳар бир фуқаро, ташкилот, жамоатчиликнинг ўз ўрни бор. Бунда жамоат ташкилотларининг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак.

Жамоат ташкилотларининг аҳамияти тўғрисида ҳурматли Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида шундай деган эди: "Нодавлат ва жамоат ташкилотларни ривожлантиришдан мақсад—жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим».

Шундай экан, жамоатчилик ташкилотларининг, жумладан, касаба уюшмаларининг жамият ҳаётига таъсирини кучайтириш, унинг роли, ваколати, ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва пировард натижада унинг тўла мустақиллигини таъминлаш борасидаги юртбошимиз кўрсатмаларини тўлиқ рўёбга чиқаришимиз бизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, касаба уюшмалари халқимиз кайфияти, фикри, манфаатларини ифодалайдиган энг оммавий ташкилот саналади. Турли соҳада бўлгани каби касаба уюшмалари орасида бизнинг касаба уюшмамизнинг ўзига хос катта ўрни бор.

Шундан сўнг тафтиш комиссияси раиси Шавкат Худойберганов комиссия фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Музокараларда сўзга чиққан Ю.Абдуллаев, Т.Маризаева, К.-Бердиев, Ш.Ҳамроева, Ж.Султонов, О.Муҳитдинова Марказий қўмита ва Тафтиш комиссияси ишига яхши баҳо бериб, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар юзасидан таклифлар киритишди. Касаба уюшмаси фаолияти мозияти — инсонга хизмат қилиш экан, бугуннинг вазифаси — улар онгида ўзгариш ясашга интилиш, руҳий-маънавий эҳтиёжларга эътиборни кучайтириш керак эканлигини таъкидлашди.

Қурултой қатнашчилари "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури" лойиҳаси билан танишиб чиқдилар ва уни маъқулладилар.

Шундан кейин очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 3-қурултойига делегатлар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига вакиллар сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев иштирок этди.

Ҳ.НИШОНОВ, "Маърифат" мухбири

МИЛЛИЙ ДАСТУР ЧЕЧАКЛАРИ

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш асосий вазифа сифатида гавдаланган. Бунда таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандарт (ДТС)ларини ишлаб чиқиш ва улар асосида ўқув дастурлари ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш, тажриба-синовдан ўтказиш ва педагогик амалиётга жорий этиш кўзда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан умумий ўрта таълимнинг ДТС лойиҳалари ҳамда синов ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, улар 1998/99 ўқув йилида 346 та умумий ўрта таълим мактабида тажриба-синовдан ўтказилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли нутқида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, таълим тизимида олиб борилган тажриба-синов натижалари илмий-методик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди ҳамда ДТС ва ўқув дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритилди. Бунда асосий эътибор ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида Ватанга муҳаббат, истиқлолимиз ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим-тарбия соҳаси олдига қўйилаётган шу куннинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда такомиллаштирилган ДТС ва ўқув дастурлари мазмуни давлат ва жамият буюртмаси ва шахснинг қизиқиш ва эҳтиёжлари асосида шакллантирилди. Унда, аввало, ҳозирда йўлга қўйилаётган янгича таълим тизимидаги босқичлар ва турлараро узвийлик ва давомийликни таъмин этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу жиҳатдан ҳам умумий ўрта таълим тури ўзидан кейинги турлардаги ўқув мазмунини аниқлаштириб олишда белгиловчи ролни ўтайди.

Шу ўринда умумий ўрта таълим ўқув фанлари бўйича яратилган ДТС ва ўқув дастурларининг муҳим бир ютуғини, яъни, уларда миллийликнинг, бой халқ педагогикасининг ва аждодларимиз жаҳоншумул илмий меросининг умумбашарий қадриятлар ҳамда замонавий педагогиканинг сўнгги янгиликлари билан моҳирона уйғунлаштирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг рамзий ифодаси сифатида “Таълим тараққиёти” ахборотномасининг мазкур 7 та махсус сон муқоваларида буюк алломаларимиз, олимларимиз ва педагогларимизнинг суратлари берилган.

Қуйида ДТС ва ўқув дастурларининг янгиланган вариантлари, уларнинг эскисидан фарқлари хусусида мухтасар тўхталамиз. Азиз ўқитувчилар, тарбиячилар, Сизларнинг фаолиятингиз мазмунини белгиловчи, меҳнатингиз самарасини таъмин этувчи ушбу меъёрий ҳужжатлар чуқур ўрганишни, таҳлил этишни ва шу билан биргаликда ўз ишингизни ижодкорлик билан ташкил қилишингизни талаб этади. Зеро, янгиланган ўқитувчигина янги, билимли, доно, кучли ва бахтли авлодни ярата олади.

1-МАХСУС СОН

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ (5—9-синфлар)

Она тили. Янги таълим тизимига мувофиқ яратилган она тили ДТС ва ўқув дастурида эски андозадан, яъни “грамматика — грамматика учун” деган қолипдан воз кечилиб, “грамматика — фикрнинг аниқ ва лўнда ифодаси учун” шиори асос қилиб олинган.

Она тилидан ДТСда грамматик қоидаларни билиш баробарида ўқувчининг фикрлай олиш, ифодаланган фикрни англаш ва ўз фикрини саводли, мантиқий изчилликка риоя қилган ҳолда баён қила олиш кўникма ва малакаларини эгаллашига алоҳида эътибор берилган.

ДТСга мувофиқ тузилган она тили ўқув фани бўйича янги дастурнинг амалдаги дастурдан асосий фарқлари қуйидагилардан иборат:

—амалдаги дастурда ўқувчига маълум миқдордаги билимни ўрганиш объекти, ўқитувчига эса ўрганиш жараёнининг субъекти сифатида ёндошилган бўлса, энди ўқувчи ўрганиш жараёнининг субъекти, яъни фаол иштирокчиси, ўқитувчи эса бу жараённинг бошқарувчисига айланади. Шунинг учун машғулотларда изланишларни асосан ўқувчи бажаради;

—таълим — мутолаа усули аввалги дастурда, асосан, дедуктив (қоидадан таҳлилга, умумийликдан хусусийликка) бўлса, янги дастурда эса индуктив(таҳлилдан қонуниятга, хусусийликдан умумийликка)дир. Бунда машғулот мавзуси кўрсатилибгина қолмай, мавзу билан қандай ишлаш кераклиги ҳам баён этилган;

—аввалги дастур ўқувчига кўпроқ назарий билим, тилнинг грамматик талқинини беришга қаратилган. Янги дастурда эса айни бир мазмунни турли усулда баён этиш кўникмаларини шакллантириш, бу ишда ўқувчиларга мустақиллик ва эркинлик беришга йўналтирилган;

—она тилини ўқитишда шу пайттача “грамматикадан — нутқ ўстиришга” тамойили устун бўлган бўлса, янги дастурда “нутқ ўстиришдан — грамматикага” қараб борилади.

Адабиёт. ДТС ва янги дастур мазмунида халқ оғзаки ижоди, ўзбек, қардош туркий ва жаҳон адабиёти намуналарини ўрганишнинг янгича усулига асос солинган. Адабий материаллар даврий тизимда эмас, оддийдан мураккабга тамойили асосида тартибланган.

Аввалги дастур кўпроқ мумтоз адабиётнинг мураккаб намуналаридан иборат бўлиб, ўқувчиларни анча зўриқтириб қўйган эди. Ўқувчиларнинг бир хилликдан кўра, ранг-барангликни ёқтириши боис таълим мазмунида бунга алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасини ўқиган ўқувчи аждодларимиз урф-одатлари, миллий қадриятлар, йигит кишининг қаноти бўлмиш — от, ўзбекларга хос кураш санъати ҳақида маълумотга эга бўлади, маънан бойийди. Адабий машғулотларда ўқувчи матн устида фаол ишлайди, уни фақат йўналтириб бориш керак.

Адабиёт таълими мазмунидаги энг муҳим янгилик, асар талқинидир. Аввалги дастурларда ҳамма нарса тайёр ҳолда берилар, аввал муаллиф ҳақида маълумот, сўнг асар матни, охирида эса асар таҳлили тақдим этиларди. Бу бир қарашда ўқувчи ва ўқитувчи учун қулай эди. Янги дастурда шу “қулай” усулдан воз кечилиб, унинг ўрнига ўнлаб савол-топшириқлар берилгани ўқувчини ҳам, ўқитувчини ҳам мустақил ишлашга, фикрлашга мажбур этади. Бу ҳол ўқувчини асар қаҳрамони ҳолатига тушишга, унинг ҳаётини ўз ҳаёти билан таққослаб кўришга ундайди.

Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун).

Таълим бошқа (рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ) тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тили бўйича ДТСда ўқувчиларнинг ўзбек тилини давлат тили сифатида кундалик меҳнат ва ижтимоий фаолият учун етарли даражада эгаллаши, ўзбек халқининг маънавияти, маданий мероси, миллий қадриятлари билан яқиндан танишиш учун асосий восита сифатида ўргатиш бош мақсад қилиб олинган.

ДТС асосида тузилган янги ўқув дастури 5—9-синф ўқувчиларида нутқий кўникмаларни ҳосил қилишга мўлжалланган бўлиб, ўзбек адабиётидан берилган матнлар ҳам нутқ ўрганиш воситаси сифатида хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, юқори синфларда барча лексик, морфологик ва синтактик билимлар асосида фикрни ёзма ифода этишга, яъни матн тузиш қонун-қоидаларини ўргатишга мўлжалланган. Ўқувчиларда матнни қисқартириш, кенгайтириш, режа тузиш каби кўникмаларни ҳосил қилиш ҳам дастурда кўзда тутилган.

2-МАХСУС СОН

Тарих. Янгиланган таълим мазмунида умумий ўрта таълим мактабларида тарих таълимининг асосий мақсади энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган Ватанимиз ва жаҳон тарихига оид муҳим тарихий воқеалар билан ўқувчиларни таништириш, уларни Ўзбекистон ва жаҳон халқларининг маданий ва маънавий меросига, илғор анъаналарига, миллий ва умумбашарий қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, буюк меросимизнинг давомчилари ҳамда уни яратувчилари бўлмиш муносиб ворисларни тарбиялашдан иборат.

Тарих ўқув фанининг изчил курси 5-синфдан бошланади. 5—9-синфларда бу ўқув фани **“Ўзбекистон тарихи”** ва **“Жаҳон тарихи”** курсларига бўлиб ўрганилади. 5-синфда “Ватан тарихидан ҳикоялар” ва “Жаҳон тарихидан ҳикоялар” деб номланган курслар орқали Ватанимиз ва жаҳон тарихига оид энг муҳим ва қизиқарли тарихий воқеалар ҳикоя тарзида баён этилади. Ўқувчиларга дастлабки тарихий билимлар беришни фан асоси сифатида эмас, балки ҳикоялар тарзида берилиши таълимнинг оддийдан мураккабга қараб боришини таъминлайди. Тарихий воқеалар изчил ва узвий тарзда ҳикоя қилиб берилган. 5-синфда тарих ўқув фанидан бериладиган маълумотлар бошланғич синфларда ўқиш дарсларида кичик ҳикоя ва ривоятлар орқали берилган дастлабки тарихий билимлар билан узвий боғланган.

Тўққиз йиллик умумий ўрта таълим мактабларида тарих ўқув фанидан бериладиган тарихий воқеалар XX аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. XX аср бошларидан то бугунги кунгача бўлган давр тарихи уч йиллик академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўрганилади.

Давлат ва ҳуқуқ асослари. Умумий ўрта таълим мактабларида ҳуқуқий таълим 1-синфдан бошлаб узлуксиз равишда ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятлари, билим даражаси ва эҳтиёжига мос равишда оддийдан мураккабга қараб бериб борилади. Жумладан, бошланғич синфларда ҳуқуқ алифбоси, 5—7-синфларда эса ҳуқуқ сабоқлари ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари таркибида уйғунлаштирилган тарзда ўргатиб борилади. Буларнинг барчаси янги таълим тизими асосида яратилган ДТС ва ўқув дастурида асос қилиб олинган.

Янги таянч ўқув режаси ва дастур бўйича 8—9-синфларда 34 соатдан шу ўқув фани ўқитилади. Бунда 8-синфда **“Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи”**, 9-синфда **“Конституциявий ҳуқуқ”** курслари ўрганилади.

“Давлат ва ҳуқуқ асослари” ўқув фанидан янги дастур ўқувчилар онгида шундай ишонч қарор топишига ҳамда Республикамиздаги барча ёшларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам бериши, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётта татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши, она-Ватанимиз буюк давлатлар қаторидан ўрин олишига ҳисса қўша олиши мумкинлигини шакллантириши зарур.

3-МАХСУС СОН

Иқтисодий билим асослари. Дастлабки иқтисодий билимлар қуйи синфларда асосан математика, меҳнат таълими, табиатшунослик, она тили, хорижий тил, география каби ўқув фанлари таркибида берилади. 8—9-синфларда изчиллик асосида ўқитиладиган “Иқтисодий билим асослари” ўқув фани мазмуни ана шу 1—7-синфларда ўрганиладиган билимларга асосланган.

Янги таълим тизимига мувофиқ ўқувчилар ёши, билими ва эҳтиёжига мос равишда 9—11-синф материаллари илмий-методик жиҳатдан қайта ишланиб 8—9-синфларга аккумуляция қилинди. Бунда амалдаги дастур бўйича 9—11-синфдаги “Иқтисодиёт асослари”, “Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даври моҳияти”, “Бозор”, “Иқтисодий қонун ва қонуниятлар”, “Иқтисодий кўрсаткичлар” каби мавзулар соддалаштирилиб 8-синфга туширилган. Амалдаги дастур бўйича 11-синфдаги “Солиқ”, “Кредит”, “Бюджет”, “Тадбиркорлик”, “Бизнес”, “Бизнес асослари тадбиркорлиги” каби мавзулар ўқувчилар ёшига мослаштирилган ҳолда соддалаштирилиб, 9-синфга туширилган.

Кимё. Кимёдан ДТС ва ўқув дастури мазмунини танлашда имкон қадар атроф-муҳитдаги ҳаёт, турмуш ва ишлаб чиқариш, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси билан боғлиқ малакаларга кенг ўрин берилган.

Янги дастур бўйича 7-синфда кимёнинг асосий тушунча ва қонунлари, элементлар, анорганик моддаларнинг энг муҳим генетик боғланишлари ўрганилади. 8-синфда элементлар даврий системаси, кимёвий боғланиш, электролитик диссоцияланиш назарияси, металмаслар ўрганилади. 9-синфда эса углерод гуруҳига мансуб элементлар, органик бирикмалар, металлар ўрганилади.

Биология. Янги таълим тизими бўйича умумий ўрта таълим мактабларида биология таълимининг мақсади ўқувчиларга тирик организмларнинг келиб чиқиши, турли-туманлиги, тузилиши, ривожланиши, уларда содир бўладиган ҳаётий жараёнлар, ташқи муҳит билан алоқаси, мосланиши ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

ДТС асосида тузилган дастур бўйича 6-синфда ботаника, 7-синфда зоология, 8-синфда одам ва унинг саломатлиги, 9-синфда умумий биология (цитология ва генетика асослари) ўрганилади.

Амалда 10—11-синфларда ўқитилиб келинаётган умумий биология курси мавзуларидан бир қисми 9-синфга, қолган қисми академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқув дастурига кўчирилди. 9-синф дастурига “Цитология асослари”, “Ҳаёт жараёнларининг кимёвий асослари”, “Организмнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши”, “Генетика ва селекция асослари” мавзулари киритилди ва уларни ўтиш учун мўлжалланган соатлар бирмунча кўпайтирилди.

География. Янги таянч-ўқув режаси бўйича география 5-синфдан бошланади. 6-синфда 34 соат ҳажмида ўқитиладиган “Табиий география бошланғич курси” 5-синфга туширилди. 5-синф “Табиийёт” курсидаги Ернинг қобиқлари, атмосфера, гидросфера, литосфера ва биосфера бўлимлари “Табиий география бошланғич курси”га сингдирилди.

7-синфда ўрганиладиган “Туркистон табиий географияси” ва “Ўзбекистон табиий географияси” курслари мазмуни ўлкамиз ҳудудини тадқиқ этган алломаларимиз — Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарийларнинг тадқиқотлари, хариталари ҳақидаги маълумотлар билан бойитилди.

8-синфдаги “Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси” курси мазмуни Республикамиз халқ хўжалигининг асосий тармоқлари янги ташкил этилган қўшма корхоналар, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги янгиликлар билан бойитилди.

9-синфдаги “Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси” курси мазмуни мамлакатимизнинг ҳозирги кундаги жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни эътиборга олинган ҳолда янгиланди ва давлатларнинг мамлакатшунослик нуқтаи назардан ўрганилишига, Ўзбекистон билан иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатган давлатлар ҳақидаги янги маълумотлар берилишига эътибор қаратилди.

4-МАХСУС СОН

Математика. Янги таълим тизими бўйича 1—4-синфларда математикадан бошланғич билимга эга бўлган ўқувчиларда 5—9-синфларда сон тушунчаси кенгайтирилади, тенгламалар ва тенгсизликлар ҳамда уларнинг системалари, функциялар, прогрессиялар, шунингдек, геометрия изчил курси ўрганилади.

Янги дастур “Ал-жабр ва ал-муқобала усули” “Ал-Хоразмийнинг “Ал-жабр ва ал-муқобала” асари ва ундаги масалалар”, “Бурчак коэффициенти”, “Квадрат тенгламаларни ечишнинг Ал-Хоразмий усули”, “Ал-Хоразмий масалаларидан намуналар”, “Квадрат тенгсизликка олиб келадиган иқтисодий, физик ва амалиёт масалалари” мавзулари билан бойитилди. “Беруний ва Улуғбекнинг тригонометрик “зиж”лари”, “Сонли кетма-кетликнинг лимити” мавзулари киритилди;

“Кўрсаткичли ва логарифмик функциялар” мавзуларини 10-синфдан 9-синфга кўчириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу билан боғлиқ бўлган кўрсаткичли ва логарифмик функцияларнинг амалиётдаги татбиқлари” мавзуси ҳамда тарихий материаллар дастурдан ўз ўрнини топган. “Қаварик функциялар ва уларнинг тадбиқлари” мавзуси мураккаб бўлгани учун унинг ўрнига “Элементар функциялар” мавзуси киритилди.

Геометрия курсида берилган бошланғич тушунчаларни танлаб олишдаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда бу курснинг таркибий қисми тузилиш жиҳатдан ўзгарди. Айрим мавзуларни ўрганиш кетма-кетлиги ўзгаргани сабабли, уларни баён қилиш аввалгилардан фарқ қилади ва ўрганишда янгича ёндашувга кенг имкониятлар очилди.

“Параллел тўғри чизиқларини учинчи тўғри чизиқ кесганда ҳосил бўладиган бурчаклар”, “Мос томонлари ўзаро параллел ва перпендикуляр бўладиган бурчаклар” мавзулари янгидан киритилди ва тегишли мавзуларда тарихий материалларни бериб бориш кўзда тутилди.

Информатика ва ҲТА. Информатика ва ҲТА ўқув фани 8-синфда 34 соат ва 9-синфда 68 соат ҳажмида ўқитилади. У математика, физика, иқтисодий билим асослари ўқув фанларининг асосий тушунчаларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга компьютер саводхонлигига оид билим ва кўникмалар беради.

Янги дастур асосан компьютерда ишлашнинг бевосита амалий томонларига қаратилган. Шунинг учун унга “Ахборот технологиялари” (50 соат, 49%), “Компьютерда масала ечиш технологиялари” (34 соат, 33%) деб номланган янги бўлимлар киритилган.

Умумий ўрта таълим мактаби битирувчисининг “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фани бўйича асосий назарий билимларни ўзлаштирган ҳолда, замонавий компьютер ва тармоқ технологиялари билан ишлашнинг зарур кўникма ва малакаларини эгаллашига дастурда алоҳида эътибор берилган.

Физика. Физикадан ДТС ва ўқув дастурини ишлаб чиқишда тўққиз йиллик умумий ўрта таълим мактабини битирган ёшлар умумий физика курсининг барча билимларидан, чунончи, механика, молекуляр физика ва термодинамика, электр, оптика, атом ва ядро физикасидан маълум даражада тугалланган билимга эга бўлишлари зарур эканлиги инобатга олинди.

Янги дастур бўйича 6-синфда асосан физик ҳодисалар ҳақида ўқувчиларга дастлабки маълумот берилади. Амалдаги дастурдаги 7—8-синф материалларининг бир қисми ўқувчилар ёши ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда 6-синфга туширилган.

Ўқувчиларнинг ёши ва эҳтиёжларини ҳамда ижтимоий турмушда электр асбобларининг кенг қўлланилишини ҳисобга олиб, 7-синфда электрга оид мавзуларни ўрганишга 68 соат дарс вақти ажратилди.

Янги дастур бўйича 8-синфда ўрганиладиган физиканинг механика курси мазмуни амалдаги 9-синф дастури мазмунига асосан мос келади. Амалдаги дастур бўйича 9-синфда механика курси 102 соат миқдорида ўрганилса, янги дастур бўйича 8-синфда механика курси 68 соат ҳажмида ўқитилади. Шунга яраша янги дастур бўйича механика курси амалдагига нисбатан бирмунча соддалаштирилган.

Амалдаги дастурнинг 10-11—синфларидаги кўпгина мавзулар соддалаштирилган ҳолда ўқувчиларнинг ёши ва эҳтиёжига мос келадиган даражада янги дастурнинг 9-синфига туширилди.

Чизмачилик. ДТС ва янги ўқув дастури бўйича чизмачилик таълимининг асосий мақсади ўқувчиларда, чизмачилик шрифтларини ёза олиш, биринчи ва иккинчи мураккаблик даражасидаги деталларни кесим, қирқимлар қўллаб, ўлчамлар қўйиб тўғри бурчакли ва аксонометрик проекцияларни қуриш ҳамда эскиз ва уларнинг техник расмини бажариш, чизмаларни ўқиш малакасини ҳосил қилишдан иборат.

Янги дастур мазмуни аввалги дастурдан бирмунча фарқ қилган ҳолда геометрик ва проекцион чизмачилик материалларини чуқур ўрганишни кўзда тутади. Машинасозлик ва қурилиш чизмачилиги бўйича эса, асосий назарий билимлар юзасидан умумий тушунча беришни назарда тутади.

Меҳнат таълими. Янги таълим тизими бўйича умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимининг асосий мақсади ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари ва жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, касб танлашга тайёрлаш, меҳнатга қизиқиш уйғотиш, меҳнатни қадрлаш ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

5—7-синфларда (ҳафтасига 2 соатдан) ўқувчилар асосан ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадилар. Бунда металл ва ёғочга ишлов бериш, электротехник ишлар, газламага ишлов бериш, пазандачилик ва қандолатчилик ишларини бажарадилар. 8—9-синфларда (ҳафтасига 1 соатдан) ўқувчилар унумли меҳнат қилишга ўргатилади. Бунда қишлоқ ва халқ хўжалиги уй жиҳозлари ва асбобларини таъмирлаш ўргатилади. Касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар имконияти ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтирилади.

5-МАХСУС СОН



Рус тили *(таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун)*. Янгиланган таълим мазмунида ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда рус тили таълимининг асосий мақсади сифатида ўқувчиларга бу тилда тинглаш, гапириш, ўқиш, ёзиш кўникма ва малакаларини шакллантириш вазифа қилиб қўйилган.

Янги ўқув дастури функционал-семантик принципга асосланиб тузилган бўлиб, ўқувчиларда нутқ малакаларини шакллантиришга қаратилган. Бунда дастурнинг таркибий қисми сифатида кўрсатилган мавзулар яхлит коммуникатив тошириқлардан иборат бўлиб, уни ечиш учун барча фонетик, лексик, морфологик ва синтактик материаллардан фойдаланиш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда нутқ малакаларини шакллантиришга сабаб бўлади. Демак, биринчи ўринга грамматика эмас, балки нутқ қўйилган бўлиб, ушбу нутқ таълимнинг асосий воситаси қилиб олинган.

Рус тили *(таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун)*. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили таълимининг асосий мақсади она тили сифатида ўқувчиларни ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Янги дастур Ўзбекистон шароитига мос бўлиб, унда таълим мазмунининг экстралингвистик ва тарихий-маданий компонентлари очиб берилган. Шунингдек, ўқувчиларнинг кўпмиллатлилигидан келиб чиқадиган ижтимоий факторга ҳам эътибор берилган.

Хорижий тиллар *(инглиз, олмон, француз)*. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора ўсиб, халқаро, савдо-сотиқ, туризм, маданий ҳамда иқтисодий алоқалар ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда унинг келажагини яратувчи ёшларга хорижий (инглиз, олмон, француз) тилларни ўргатиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифаларни ечишга мўлжалланган ДТС ва янги ўқув дастурлари, ўқувчиларни мактабларда хорижий тилларни амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларда ўрганишга йўналтирилган.

Янги дастурларда оғзаки нутқ мавзулари синфлар бўйича аниқ кўрсатилган. Янги дастурларнинг 5—9-синф материалларига амалдаги дастурларнинг 10—11-синфларига мўлжалланган айрим материаллар ҳам киритилган.

Хорижий мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда грамматик материаллар ҳар бир мавзуга алоҳида киритилди. Ўқув дастурларининг яна бир ижобий томони шундаки, нутқ фаолиятларига бўлган талаблар ҳар бир синфда бериладиган мавзулар ва грамматик материаллар билан мувофиқлаштирилди.

Хорижий тиллар бўйича яратилган ўқув дастурларида миллий қадриятларимизни тиклаш ва уларни бойитиш каби тушунчалар чуқур сингдирилган.

6-МАХСУС СОН

Мусиқа маданияти. ДТС ва янги ўқув дастури мазмуни ўқувчиларни мусиқа санъатининг барча жанрлари билан таништириш, мусиқани идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб куйлаш, рақса тушиш, ижодкорлик малакасини шакллантиришга қаратилган.

Шу муносабат билан мусиқий таълимни таъминлаш мақсадида 6—8-синфларда ўтилиши лозим бўлган барча мавзуларни сақлаб қолган ҳолда, улар 6—7-синфларга киритилди.

Амалдаги дастурда берилган 6-синфдаги мусиқий услублар 7-синфга, 8-синфдаги мумтоз мусиқа, замонавий мусиқа, Шарқ ва Европа мумтоз мусиқалари 6-синфга кўчирилди. Шу билан бирга 5—7-синфларда мусиқа назарияси, яъни мусиқа саводи узвийлиги ва изчиллиги таъминланди.

Янги дастурда тақдим этилган қўшиқлар ўз мазмуни билан ўқувчи ёшларда миллий онг, миллий туйғу, миллий тафаккур, Ватанни севиш ва ардоқлаш, Ватан учун хизмат қилиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга қаратилган.

Тасвирий санъат. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат ўқув фани маънавий маданиятнинг асосий қисмларидан ҳисобланган бадиий маданиятни болаларда уйғун шакланишига хизмат қилади ва шахс учун муҳим бўлган бир қатор сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. У ўқувчиларни миллий меросни ўзлаштириш ҳамда умумбашарий бадиий қадриятлар билан таништириш имконини яратади.

Бошланғич синфларда ўқувчилар оддий қалам, мўйқалам ёрдамида расм дафтарига манзара, натюрморт, рангтасвир жанрларида расмлар чизадилар.

5—7-синфларда ўқувчиларда рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, композиция, амалий санъат ва дизайн йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. 1—7-синфларда тасвирий санъат бўйича дастур материалларини танлашда таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги инобатга олинган.

Жисмоний тарбия. ДТС ва янги ўқув дастури бўйича жисмоний тарбия курси ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама уйғун камол топтиришда, меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёр бўлишлари учун ҳаётий муҳим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган.

Янги дастур мактабнинг имкониятига, мутахассисларнинг малакасига ва ўқувчиларнинг хоҳишига кўра спорт ўйинлари туридан 2 ёки 3 таси билан шуғулланишига рухсат берилган.

Ўғил болалар учун футбол спорт турига алоҳида 12 соат ажратилганлиги муносабати билан қизлар учун миллий рақс элементлари, ритмик гимнастика, арғамчида сакраш, чамбаракда гавдани айлантириш усуллари ва бошқалар татбиқ этилган.

Янги дастурда мактаб шароити, ўқитувчи савияси, ўқувчиларнинг қизиқишларини эътиборга олиш тавсия этилган бўлиб, меъёрлар ўқувчиларнинг физиологик ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиб бирмунча пасайтирилган.

7-MAXSUS SON

BOSHLANG‘ICH TA`LIM (1—4-sinflar)



Davrning dolzarb talablari va jamiyat taraqqiyoti bilan barobar rivojlanib boruvchi ta’lim qonuniyatlariga asoslanib, jahon tajribasiga tayangan holda boshlang‘ich ta’lim bo‘yicha davlat ta’lim standartida o‘quv fanlari 4 ta — ona tili, matematika, tabiat hamda inson va jamiyat ta’lim sohalariga ajratildi.

Ona tili ta’lim sohasi asosan alifbo, ona tili va o‘qish o‘quv fanlarini o‘z ichiga olsada, ona tili (alifbo, o‘qish) dasturida savod o‘rganish va grammatik qoidalarni bilish bilan bir qatorda o‘quvchini mustaqil fikrlay olishga, ifodalanayotgan fikrni anglashga va fikrini savodli, mantiqiy izchillikka rioya qilgan holda bayon qila olishga o‘rgatishga alohida e’tibor berilgan.

Yangi dastur bo‘yicha, o‘quvchilar o‘qish texnikasidan DTSda belgilangan miqdoriy ko‘rsatkichga erishish barobarida berilgan matndagi harflarni to‘g‘ri talaffuz qilish, so‘zlarni to‘g‘ri o‘qish, gap ohangiga rioya qilgan holda ifodali o‘qishga o‘rgatiladi. Yangi dastur bo‘yicha ta’lim olgan o‘quvchilarda o‘zgalar fikri va matn mazmunini anglash malakasi shakllanadi, bunda ularning nutqi to‘g‘ri va ta’sirchan bo‘lishiga erishiladi. Shuningdek, dasturda o‘quvchilarning fikrni yozma shaklda bayon etish malakalarini shakllantirishga ham alohida ahamiyat berilgan.

Ona tili (alifbo) va o‘qish bo‘yicha mashq va matnlar mazmuni mamlakatimizning mustaqilligi, Ona Vatanimiz, buyuk bobokalonlarimiz, milliy va umumbashariy qadriyatlar, tevarak-atrofimizdagi tabiat aks ettirilgan asarlar, xalq o‘g‘zaki ijodidan namunalar bilan boyitilgan.

Matematika ta’lim sohasi bo‘yicha DTS va o‘quv dasturi o‘quvchilarda natural sonlar va nol to‘g‘risida tasavvurni shakllantirish, puxta hisoblash ko‘nikmalarini hosil qilish, amaliy masalalarni yechishda natural sonlarni va arifmetik amallarni qo‘llay olishga o‘rgatish, eng sodda geometrik shakllar haqida tasavvurga ega bo‘lish hamda og‘zaki hisoblash va matematik belgilardan foydalana olish malakasini hosil qilishga qaratilgan.

Yangi dasturda asosiy e’tibor arifmetik amallar va ular ustida hisob-kitob ishlarini bajarishga alohida ahamiyat berilib, unga ajratilgan dars soatlari oshirilgan. Geometrik shakllarning tekislikda tasvirlanishi xususiyatlari haqida tasavvur hosil qilishga yo‘naltirilgan mavzular 3—4 amalli masalalar, harfiy ifodalar qatnashgan misollar, tenglamalar 5—6-sinflarga ko‘chirildi.

Tabiat ta’lim sohasi bolalarni tevarak-atrof, borliq bilan tanishtirish, ularda olam tuzilishi va tabiat hodisalari haqida ilk tasavvur hosil qilish, ilmiy dunyoqarash kurtaklarini rivojlantirish, O‘zbekiston tabiati haqida boshlang‘ich ma’lumotlar berish orqali Vatanga va tabiatga muhabbat uyg‘otishga yo‘naltirilgan.

Yangi dasturda o‘quvchilarning ilmiy dunyoqarashini shakllantirishga ko‘proq e’tibor berildi. O‘quvchilar

"КАТАЛОГ"ДАГИ НАРХИНИ АЙТИНГ

(Боши 1-бетда)

Бошланғич мактабларда аҳвол қандай эканини алоқа бўлимидан (Навоий алоқа бўлими очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси А.М.Маманов) билиш ниятида ўша ерга бордик ва биз ҳам келгуси йил учун газета-журналларга обуна бўлмоқчи эканлигимизни айтдик. Алоқа бўлими ходими Дилфуза Зокирова бизга олдида турган 2 та каталогнинг бирини узатди. Кўздан кечирдик. Рўйхатни шундайлигича келтирмоқчимиз:

Нашрлар	Каталогдаги нарх	Кармана алоқа бўлимида белгиланган нарх
"Маърифат"	5063 сўм	6063 сўм
"Бошланғич таълим"	1816 сўм	2816 сўм
"Тил ва адабиёт таълими"	1728 сўм	2298 сўм
"Гулхан"	1085 сўм	1285 сўм 40 т
"Ғунча"	685 сўм	1045 сўм 40 т
"Учитель Узбекистана"	2110 сўм 60 т	...
"Халқ таълими"	1486 сўм	1996 сўм 80 т
"Соғлом авлод учун"	2853 сўм 60 т	

Бундан ташқари "ишбилармон" "алоқачи"лар ташкилотлар обунасига ҳам ҳеч иккиланмай 1000 сўмдан устама ҳақ қўйишган. (Бу рақамларни исботлаш учун бизнинг қўлимизда айрим ўқитувчилар номига ёзилган квитанциялар бор).

Қаранг-а, алоқа ходимларининг ўз фарзандларига зиё тарқатувчи инсонлар ҳақига хиёнат қилишларига виждонлари қандай йўл қўйди экан?!

Нима учун обуна нархлари бунчалик баланд эканини сўрадик ўзимизни таништиргач. Д.Зокирова тезлик билан қаламда ёзилган янги нархнавони ўчиришга тушди. Кейин:

—Менга бундай нарх кўрсатмасини вилоят алоқа бўлими ҳисобчиси Татьяна Владимировна Мўминова берган, — деди.

Дилфуза Зокированинг изоҳларидан сўнг ўқитувчилар билан суҳбатлашаётганимизда қулоғимизга чалинган баъзи гап-сўзларни ёдимизга туширдик. Яъни улар ўтган йил учун ўзлари обуна бўлган "Бошланғич таълим" журналининг фақаттина учта сонини олишган, холос. Ваҳоланки, ушбу нашрнинг 5-сонини ўзимиз билан бирга олиб борган эдик.

Юқоридагиларнинг баридан "Кармана туманида аҳолига обуна хизмати яхши йўлга қўйилмаган", деган хулоса чиқаришга ҳаққимиз бордир.

Мана шу воқеанинг ўзидан мактабларда муштарийларнинг нима учун обунада фаол эмасликлари, обуна бўлиш учун баъзиларнинг нарх борасида иккиланаётганликлари сабаби тушунарлидир...

Ҳаммасидан ҳам бизни ҳайрон қолдирган нарса ҳақида гапиргимиз келади. Устама нарх олишлар нима учун керак бўлди? Балки журналларнинг узоқ вилоятларга келиши учун йўл ҳақи, алоқа ва бошқа хизмат ҳақлари ҳам киргандир? Унда нима учун худди шу вилоятнинг Қизилтепа туманидаги алоқа бўлимидагилар каталог нархига ҳеч қандай қўшимча ҳақ қўйишмаган?

Мана, сизга бор гап-сўзларни шундайлигича очиқ ҳикоя қилиб бердик. Айбдорларга қандай чора кўриш мутасаддилар эътиборига ҳавола. Лекин бизни ташвишга солган нарса алоқа ходимларининг мактабларга бориб (бор-йўғи еттита мактаб, холос) қайси нашрнинг нархи қандай бўлишини, мабодо оширилган бўлса, унинг сабабларини тушунтириб, обунани тарғибот қилмаганликларидир. Янада ачинарлиси, бошқа нашрларга нисбатан арзон бўлган таълим нашрларига муносабатнинг шу тариқа салбийлашиб кетаётганлиги.

З.ШОКИРОВА,
"Бошланғич таълим" журналининг бош муҳаррири,
Р.ТОЛИПОВА,
"Тил ва адабиёт таълими" журналининг бош муҳаррири

ТАНИШИНГ: НОМЗОДЛАР!

Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиш учун номзодларга танлов ўтказишнинг 2-босқичи тугалланиб, Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси қошидаги Республика комиссиясига таълим, фан, маданият, адабиёт, санъат йўналиши бўйича вилоятлардан 70 нафар номзодлар тавсия этилди. Қуйида таълим йўналиши бўйича тавсия этилган номзодлар рўйхати чоп этилмоқда.

Андижон вилоятидан: Ж.Сотқинова, Избоскан тумани 6-гимназия ўқитувчиси.

Бухоро вилоятидан: С.Турсунова, Бухоро Давлат университети ҳузуридаги ихтисослашган лицей ўқувчиси.

Жиззах вилоятидан: Н.Абдусаматова, Иқтидорли болалар лицейи ўқувчиси.

Навоий вилоятидан: Л.Зоирова, Навоий Давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицей талабаси.

Наманган вилоятидан: М.Каримова, Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси.

Самарқанд вилоятидан: Д.Аҳророва, Ургут шаҳридаги "Иқбол" лицейининг ўқувчиси.

Сирдарё вилоятидан: Д.Рўзибоева, Гулистон Давлат университети талабаси.

Сурхондарё вилоятидан: Д.Абраева, Термиз Давлат университети қошидаги академик лицей талабаси.

Тошкент вилоятидан: Р.Алимбоева, Паркент тумани лицей-интернатнинг ўқувчиси.

Тошкент шаҳридан: Ш.Жаҳонгирова, Тошкент Шарқшунослик институти қошидаги 309-академик лицей ўқувчиси.

Фарғона вилоятидан: Н.Бобоева, Бизнес мактаби тикувчилик бўлими 3-курс талабаси.

Қорақалпоғистон Республикасидан: Б.Бўронова, Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги академик лицей талабаси, Д.Низомова, Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги академик лицей талабаси.

"Камолот" жамғармасидан: М.Аҳмаджонова, Тошкент Давлат Аграр университети талабаси (Тошкент шаҳар Юнусобод тумани), Н.Қосимова, Фарғона тумани 18-мактаб ўқитувчиси, Фарғона Давлат университети аспиранти.

Биз юқоридаги номзодлар ҳақида Сизларни газета саҳифалари орқали таништириб борамиз.

ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ТошДУ "Маданият саройи"да университетимиз ректори, академик Т.Долимов билан талабаларнинг анъанавий навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда асосан талабалар ўзларини қизиқтирган ва қийнаётган кўпгина саволларга жавоб олишди. Журналистика факультети талабаларини қийнаётган 76-автобуснинг камқатновлиги, хорижий филология факультетининг ўқув биноси эскилиги ва талабаларни иш билан таъминлаш масаласи кўриб чиқиладиган бўлди.

Учрашув давомида "Президент", "Навоий", "Улуғбек", "Университет" стипендияси совриндорларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Наргиза НОРМАҲМАТОВА

САРМОЯ БЕСАМАРА КЕТМАЙДИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти кореяшунослик факультетида замонавий шаклда жиҳозланган янги лингафон хоналари очилди. Жанубий Кореянинг "KSIIC" компанияси сармояси асосида ташкил этилган ушбу лингафон хоналарига умумий миқдори 30 минг АҚШ долларига тенг бўлган маблағ сарфланди. Тантанали очилиш маросимида сўз олган компания директори Хонг Сунг Жик айни пайтда Ўзбекистон - Жанубий Корея муносабатлари мустаҳкамланиб, ижобий самаралар бераётгани хусусида тўхталди.

Замонавий техника кириб келиб, таълим соҳаси янгиланиб борар экан, ёшларга бўлган талаб ҳам жиддийлашиб боради. Ёшлар буни англаб етмоқдалар. Нурли келажак сари якдиллик билан интилмоқдалар. Зеро, Ўзбекистонга таълим соҳасида киритилган сармоя бесамара кетмайди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
ТошДУ журналистика факультети 1-курс толиби

Xullas...

КЎЗИГА ҚАРАМАГАН ЎҒРИ

Ўғриларнинг дастидан дод! Тинчлик борми ўзи! Уйинг куйгурлар бош кийимингни ҳам илиб кетишса, бундан ортиқ бедодлик бўладими?

Бу — тюменлик жабрдийдаларнинг оҳноласи бўлиб, тагида жон бор. Қишда Тюменда бош кийимсиз юриб бўлмайди. Кимдир изиллаган совуқда андатра, кимдир нутра, яна биров тулки мўйнасидан тикилган телпак билан кўчага чиқади. Шунда...

Ёшгина йигитчанинг кайф қилишга пули тугаб, кечқурун кўчада ўтган-кетганни пойларди. Кетворган бир қиз, бошида қизил момиқ шапка! Яхшигина баҳога пуллаш мумкин!

Йигитча пайт пойлаб, қизнинг бошидаги шапкани эпчиллик билан олди-да, орқа-олдига қарамай...

Хиёл ўтмай, шапка ўғриси ерда қулаб ётарди. У бошини симёғочга қаттиқ уриб олиб, ўзини ўнглолмай йиқилиб тушганди.

Қиз ўрнидан турғазиб қўйди ва шапкасини олиб ўз йўлида равона бўлди. "Тез ёрдам" чақиришига эса йигитча унамади, деб хабар беради "Тюменский курьер" газетаси.

Номус кучлилик қилдида...

ЗОРА, ХУЛҚИ ГЎЗАЛЛАШСА...

Ҳайрон бўлманг, "Ўтириб" чиқувчилар ўртасида ҳам танловлар ўтказиш мумкин экан. Мақсад, турли жиноятлар туфайли бу ерга келиб қолганларга ижобий маънода таъсир кўрсатиш бўлса керак.

Шундай қилиб, танлов иштирокчилари хотин-қизлар эди. Гўзаллар қаторида бўлишни истовчилар жуда кўп, аниқроғи 1260 нафар. Шундан 140 нафари энг даҳшатли жиноят, яъни қотиллик содир этган.

Финалга 8 нафар гўзал "етиб" келди. Бир нафари югославиялик Александра Цветкевич, қолганлари россиялик.

"1999 йилнинг жозибадор жонони" танлови Саранскдаги Явас ахлоқ тузатиш колониясида ўтказилди, деб хабар беради "Труд" газетаси. Қомат, ҳусн, либос, соч турмаклаш, ҳамма-ҳаммаси намойиш этилди.

Алқисса, ҳуснда танҳо жонон сифатида 22 ёшли Нижневартовск фуқароси Елена Ларина деб тан олинди. Колония маъмурияти ўғирлик учун "кесилган" Ларинани муддатидан илгари озод қилиш тўғрисида ўйлаб кўришга қарор қилди.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

"ҚИРОЛ КУБОГИ" ҒОЛИБЛАРИ

Таиландда ўтказилган муайтай — таиландча бокс бўйича анъанавий "Қирол кубоги" баҳсларида юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Пойтахтдаги "Азамат" клуби вакиллари Тоҳир Абдусамадов, Азиз Абдуллаев ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқишиб, юртимиз шуҳратини ёйишди.

ХИНДИСТОНДА ШАТРАНЖ

Кеча Ҳиндистоннинг Раҳматобод шаҳрида болалар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати бошланди. "10 ёшгача" гуруҳида Ю.Ҳамроқулова (Жиззах), "12 ёшгача" Ш.Ҳамроқулова (Самарқанд), "14 ёшгача" Ҳ.Ортиқова (Тошкент вилояти), ўғил болалар орасида "14 ёшгача" гуруҳида Ж.Ҳамроқулов (Самарқанд) каби ёш шахматчилар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ИРОДА КАТТАЛАР ОРАСИДА

Январь ойида бўладиган теннис бўйича Австралия очиқ биринчилигида Ирода Тўлаганова ҳам иштирок этадиган бўлди. М.Хингис, Л.Дэвенпорт, М.Селеш каби сара теннис усталари иштирок этадиган "Australian Open" Ирода учун жиддий синов ва тажриба мактаби бўлиши, шубҳасиз.

ҲАКАМЛАР ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Белоруссияда бўлиб ўтадиган кураш бўйича 1-Европа чемпионатида юртимиз кураш мутахассислари ҳам иштирок этишади. Ҳакамлар Эргаш Худоёров ва Али Абдусатторов мусобақаларни бошқаришса, яна 4 нафар мутахассис кузатувчи сифатида қатнашадилар.

САМАРҚАНДДА "ҚОРБОБО СОВРИНИ"

"Туркистон-пресс" агентлиги хабарига кўра, Самарқандда каратэ бўйича "Қорбобо соврини" анъанавий халқаро турнири бошланди. Унда юртимиз вакиллари билан бирга Қозоғистон, Қирғизистон, Россиядан келган ёш каратэчилар беллашадилар. Ўзбекистон каратэ Миллий федерацияси раиси Н.Нафасовнинг таъкидлашича, ушбу турнир Ўзбекистонда каратэнинг оммалашувига, ўринбосарлар тайёрлаш ишига равнақ беради.

QUTLOV

Ҳурматли ҳамкасбимиз Ирис ЭШМУРОДОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Аҳил жамоамиз раҳбари сифатида олиб бораётган ишларингизга омадлар тилаймиз. Ҳамиша соғу саломат бўлинг!

Гўзалкент тумани Ҳамза номидаги 14-мактаб жамоаси

Ҳурматли устозимиз Исомиддин ЗАЙНОБИДДИНОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Келажак бунёдкорлари — ёшларни билимдон, ақлли ва доно қилиб ўстиришдек машаққатли меҳнатингиз натижаси ҳамиша кўнглингизни чароғон этиб юрсин. Соғлик-саломатлик, хуш кайфият ва ғайрат-шижоат вужудингизни тарк этмасин.

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими жамоаси

Ҳурматли Ўрол АБДУРАҲМОНОВ!

Сизни маҳоратли ўқитувчи ва тажрибали раҳбар сифатида яхши биламиз. Айни кунларда 45 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Ҳамиша соғу саломат, фарзандларингизга бош бўлиб юришингизни тилаймиз.

Галлаорол туманидаги 70-ўрта мактаб ўқитувчилари жамоаси

КИТОБНИ НЕЧА ЁШДАН БОШЛАБ ЎҚИШ КЕРАК?

Китоб ҳақида ҳамиша тўлиб-тошиб гапириш мумкин. Чунки бизни билим олишга рағбатлантирадиган, ундайдиган ва энг муҳими ёрдам берадиган воситалардан бири китобдир. Китоблардан биз ўтмишни ўрганамиз, бугунги кунимиз ҳақида маълумот оламиз, келажакни кўра оламиз.

Китоб ўқишни неча ёшдан бошлаш керак? Қачон бу билим булоғи бизга ўз сиру синоатлари билан ҳамроҳ бўла олади? Ўқувчиларнинг китоб ўқиш даражасини кўтариш учун нима ишлар қилиш керак? Табиийки, бу саволларнинг жавоблари ҳам турличадир.

Куни кеча Республика Давлат болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда "Юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда болалар кутубхоналарининг вазифалари" мавзусида "Услубиётчилар мактаби" машғулотлари бўлиб ўтди.

Машғулотни болалар кутубхонаси директори Фотима Бухорова очди. А.Навоий номидаги Давлат кутубхонаси директори А.Умаров йиғилишни олиб борди. Республика Давлат болалар кутубхонаси раҳбар ўринбосари М.Исҳоқов "Таълим тарбия жараёнини яхшилашда болалар кутубхоналарининг ўрни ва вазифалари" ҳақида гапириб, ёш китобхонларни қандай қилиб кутубхонага жалб этиш кераклиги, бу ишда мактаб, оила ва кутубхонанинг ҳамкорлиги яхши самара бериши, келажак авлод учун кутубхоналар маънавият ўчоғи бўлиб хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Республика болалар кутубхоналари иш фаолиятини таҳлил қилган илмий-услубиёт бўлими бошлиғи О.Раимова Андижон, Бухоро, Хоразм вилояти болалар кутубхонаси иш фаолиятини қониқарли эмаслигини айтиб ўтди.

Шунингдек, машғулотда "Мактабдан ташқари қўшимча таълим беришда болалар кутубхоналарининг ўрни", "Болалар ва ўсмирларни кутубхонага жалб этишда оммавий тадбирларнинг ўрни" каби бир қатор қизиқарли маърузалар тингланди. Кутубхоначиларнинг иш услублари ўрганилди. Тажриба алмашинди.

Тадбирда "Маънавият", "Ёзувчи" нашриётлари янги нашр этилган китоблар кўргазмасини ҳам ташкил этди.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Суратда: Тадбирдан лавҳа.

Р.Альбеков олган сурат

ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти қошида ёшларнинг янги маркази ўз фаолиятини бошлади. Унинг доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабаларидан иборат кўнгиллиларнинг фаолиятлари бирлашади. Ушбу фаолият эса соғлиқни сақлашни мустаҳкамлашга, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат ғояларини ёйишга қаратилади.

— Бундай марказни очиш зарурати аллақачонлар туғилган эди, — деди марказ раҳбари Равшан Шукуров. — Бизнинг кўнгиллиларимиз аҳолининг энг ночор қатламларига кўмаклашишга йўналтирилган турли хил хайрия ҳаракатларида иштирок этадилар. Яқин келгусидаги режаларимиз — ёшларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатилгунга қадар амалга ошириладиган тадбирлар кўникмаларини, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қоидаларини, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқини ўргатиш, тиббий-маърифий ишлар, семинарлар ташкил қилишдан иборат.

Биз гиёҳвандликка, тамаки чекишга, СПИДга қарши махсус маърифий дастурларни ишлаб чиқдик.

Албатта, биз сафимизга имкони борича ёшларни кўпроқ жалб этишни истаймиз. Ўзини эзгу ишларга бағишлашни истовчилар марказнинг 55-35-39 телефонига қўнғироқ қилиб, қўнгилли бўлиш истагини билдиришса кифоя.

Марказ ташкилотчилари ёшларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва самарали ўтказиш ҳақида ҳам бош қотирадилар. Ёшлар бу ерда машҳур артистлар, бизнесменлар, спортчилар билан учрашишлари, қизиқарли танлов ва викториналарда, турли хил маданий-маърифий дастурларда иштирок этишлари мумкин.

"Туркистон-пресс"

ҚАБРИНИ ҚОР БОСМАЙ, УНИ СОҒИНДИК

Ҳар давранинг бир каттаси, ҳар бир маҳалланинг ўз жўрабошиси, ҳар бир қишлоқнинг эл тан олган, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган оқсоқоллари бўлади. Эл-улус яхши-ёмон кунларда ана шу инсонларнинг беназир маслаҳатларини олишга ошиқади. Маҳалла-кўйда ўтадиган бирор маъракада ана шундай одам қатнашмаса, албатта, дарров ўрни билинади.

Ҳа, ҳаётда инсон учун ўз ўрнига эга бўлиб яшаш - чинакам бахт.

Шу йил 7 декабрь куни Чиноз туманининг Олмазор қўрғонида яшовчи ажойиб инсон Шокир ака Шоюсуповни ажал бевақт орамиздан олиб кетди. 60 йиллик умрининг 30 йилини ёшлар тарбиясига бахш этган Шокир ака оилада меҳрибон ота, иш жойи —"Агротадбиркорлик" коллежида билимдон, иш кўзини биладиган раҳбар, маҳалла-кўйда эса маслаҳатгўй оқсоқол эди.

Шокир ака тириклик чоғида шогирдларига кўпроқ Ғафур Ғуломнинг "Узилган бир киприк абад йўқолмас" шеърий сатрини айтишни хуш кўрарди.

Ҳа, дўстимиз, устозимизнинг ҳали қабрларини илк қор босмай, ўрни орамизда билинмоқда. Аммо, уларнинг севиб такрорлайдиган сўзлари кўнглимизга таскин бераяпти.

Орзиқул МАЪМУРОВ,
Абдужамол РАҲИМОВ
Чиноз тумани

Xotira

Гулистон Давлат университети томонидан 1995 йил Шакарбоев Абдусаиджон Бердиқулович номига берилган № 051236 рақамли олий маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Гулистон Давлат университети томонидан 1995 йил ШАКАРБОЕВА ГУЛЧЕҲРА номига берилган № 051231 рақамли олий маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Маърифат-Зиёкор» жамоа корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй, 4-қават, 416-хона.

Тошкент шаҳридаги «ИФОД» МЧЖнинг муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Шерали НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-1000. Тиражи 23.625. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 22.00